



№ 995

20 20 yil « 30 » октябрь

**Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига  
ер майдони ажратиб бериш ҳақида**

Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 5 ва 10-моддаларига асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 26 февралдаги “Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсий фаолиятини янада такомиллаштиришга оид қўшимча чоратadbирлар тўғрисида”ги ПҚ-4620-сонли қарори ижросини таъминлаш мақсадида, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 январдаги 63-сонли қарори билан тасдиқланган “Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун бериш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, Ташқи ишлар вазирлигининг мурожаат хатини инобатга олиб,

**Қ А Р О Р   Қ И Л А М А Н:**

1. “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига Миробод тумани, Истикбол кўчаси, 2/1-уй манзилида, кутубхона, архив ва техник иншоотлар бинолари қуриш учун аҳоли пунктлари ерларидан майдони 1,2 гектарли ер (чегара режасига мувофиқ) доимий фойдаланишга ажратиб берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 октябрдаги “2030 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикасининг Атроф муҳитни — муҳофаза қилиш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5863-сон Фармонида мувофиқ, мораторий талабларига риоя этилиши таъминлансин.

Давлат хизматлари агентлиги туман бўлимига архитектура-режалаштириш топшириқларини тузиб чиқиш учун буюртма берилсин;

лойиҳалаш учун ер ости муҳандислик иншоотларининг ижро сурати туширилган 1:500 нисбатдаги топографик харита ва геологик хулоса ишлаб чиқиш учун “Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри давлат институти” Давлат унитар корхонасининг Тошкент шаҳар шўъба корхонасига буюртма берилсин;

ажратилган ер майдонини Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасида рўйхатдан ўтказиш учун буюртма берилсин;

лойиҳа-смета ҳужжатларини тайёрлаш учун лойиҳалаш ташкилоти билан ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин ҳамда лойиҳа-смета ҳужжатларини мутасадди ташкилотларга тақдим этилсин;

мазкур ҳудудда жойланган муҳандислик тармоқларини кўчириш ёки муҳофаза ҳудудини сақлаб қолиш ишлари, ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши инобатга олинсин;

қурилиш ишлари тугатганидан сўнг, ер ости муҳандислик иншоотларининг ижро сурати туширилган 1:500 нисбатдаги топографик харитаси, «Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри Давлат институти» Давлат унитар корхонасининг Тошкент шаҳар шўъба корхонасига топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексининг 4-боб, 36-моддасида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар юзага келганда, ушбу қарор бекор қилиниши ҳақида огоҳлантирилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Д.Ҳидоятлов зиммасига юклатилсин.



Тошкент шаҳар ҳокими

Ж.Артикходжаев



№ 1610

20 19 yil 12 ноябрь

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига  
ер майдони ажратиб бериш ҳақида

“Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 5 ва 10 моддаларига ҳамда Президентнинг 2018 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда ташқи сиёсий ва ташқи иқтисодий фаолиятнинг устувор йўналишларини амалга оширишда унинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5400-сонли Фармонига, Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 28 январдаги 63-сонли қарори билан тасдиқланган “Ер участкаларини давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун бериш тартиби тўғрисида”ги Низомга мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигининг 2019 йил 4 июлдаги 21/27909-сонли мурожаат хатини инобатга олиб,

#### Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлигига Мирзо Улугбек тумани, Сайрам кўчаси бўйлаб аҳоли пунктлари ерларидан майдони 0,80 гектарли ер (чегара режасига мувофиқ) дипломатик шаҳарча куриш учун доимий фойдаланишга ажратиб берилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:

Давлат хизматлари агентлиги туман бўлимига архитектура-режалаштириш топшириқларини тузиб чиқиш учун буюртма берилсин;

лойиҳалаш учун ер ости муҳандислик иншоотларининг ижро сурати туширилган 1:500 нисбатдаги топографик харита ва геологик хулоса ишлаб чиқиш учун “Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри давлат институти” Давлат унитар корхонасининг Тошкент шаҳар шўъба корхонасига буюртма берилсин;

ажратилган ер майдонини Тошкент шаҳар Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасида рўйхатдан ўтказиш учун буюртма берилсин;



лойиха-смета ҳужжатларини тайёрлаш учун лойихалаш ташкилоти билан ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин ҳамда лойиха-смета ҳужжатларини мутасадди ташкилотларга тақдим этилсин;

мазкур ҳудудда жойлашган муҳандислик тармоқларини кўчириш ёки муҳофаза ҳудудини сақлаб қолиш ишлари, ўз маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши инобатга олинсин;

қурилиш ишлари тугаганидан сўнг, ер ости муҳандислик иншоотларининг ижро сурати туширилган 1:500 нисбатдаги топографик харитаси, "Қурилишда муҳандислик қидирувлари, геоахборот ва шаҳарсозлик кадастри Давлат институти" Давлат унитар корхонасининг Тошкент шаҳар шўъба корхонасига топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ер Кодексининг 4-боб, 36-моддасида кўрсатиб ўтилган ҳолатлар юзага келганда, ушбу қарор бекор қилиниши ҳақида огоҳлантирилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Д.Хидоятлов зиммасига юклатилсин.



Тошкент шаҳар ҳокими

Ж.Артикходжаев

**Ташқи ишлар вазирлиги тегишли хизмат авторанспорти ҳолати тўғрисида**

**М А Ё Л У М О Т**

<b>№</b>	<b>Тасдиқланган лимит миқдори</b>	<b>Ҳақиқатда мавжуд автотранспорт-лар сони</b>	<b>Автотранспорт русуми</b>	<b>Ишлаб чиқарилган йили</b>
1	1	1	Мерседес Бенц S 450	2019й
2	1	1	Малибу-2	2020й
3	1	1	Малибу-2	2020й
4	1	1	Малибу-2	2020й
5	1	1	Малибу-2	2020й
6	1	1	XTS Cadillac	2016й
7	1	1	XTS Cadillac	2016й
8	1	1	Малибу	2011й
9	1	1	Ласетти	2014й
10	1	1	Малибу-2	2017й
11	1	1	Малибу	2011й
12	1	1	Малибу	2013й

13	1	1	Эпика	2011й
14	1	1	Эпика	2011й
15	1	1	Малибу	2013й
16	1	1	Малибу	2013й
17	1	1	Ласетти	2010й
18	1	1	Кобальт	2018й
19	1	1	Кобальт	2018й
20	1	1	Кобальт	2018й
21	1	1	750 BMW	2016й
22	1	1	Isuzu NQR	2011й
23	1	1	Express пасс. Chevrolet	2011й
24	1	1	Каптива	2017й
25	1	1	Каптива	2017й
26	1	1	Каптива	2017й

27	1	1	Каптивa	2017й
28	1	1	Каптивa	2017й
29	1		Chevrolet янги сотиб олинади	2021й.
<b>Жами</b>	<b>29</b>	<b>28</b>	<b>X</b>	<b>X</b>